

Қаюмов Абдухаким Абдухакимович,

Ўзбекистон миллий университети
“Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси
профессори, география фанлари доктори

Адилов Ботир Болтабаевич,

Ўзбекистон миллий университети
“Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

ЖАҲОН ТУРИЗМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

УДК: 338.1(575.1)

ҚАЮМОВ А.А. АДИЛОВ Б.Б. ЖАҲОН ТУРИЗМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мақолада БМТ нинг халқаро туристик ташкилоти (UNWTO) ҳамда бошқа бунга алоқадор ташкилотлар маълумотларига асосланган ҳолда дунё, унинг айрим минтақалари ва Ўзбекистонда туризм соҳасида бўлиб ўтаётган ўзгаришлар, келаётган хорижлик туристлар сони динамикаси, унинг ўзгаришларининг сабаблари ва омиллари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Дунёдаги геосийосий вазиятнинг салбий томонга ўзгаришига қарамаздан, туристлар оқими кўпайиб бормоқда.

Таянч иборалар: туризм, халқаро туризм, рекреация ресурслари, туристик ресурслар, туроператор, дам олиш уйи, даволаниш маскани, санаторий.

КАЮМОВ А.А. АДИЛОВ Б.Б. ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МИРОВОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье, опираясь на данные Всемирной организации туризма (UNWTO) и ряда других организаций, рассмотрены изменения в сфере туризма, в частности, подробно проанализирована динамика численности туристов, приезжающих в Узбекистан и другие страны, её причины и факторы. Несмотря на ухудшающуюся геополитическую ситуацию, поток международных туристов увеличивается.

Ключевые понятия: туризм, международный туризм, рекреационные ресурсы, туристские ресурсы, туроператор, дом отдыха, лечебное учреждение, санаторий.

KAYUMOV A.A., ADILOV B.B. INTERNATIONAL TOURISM AND THE CURRENT STATE OF DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

The article based on the World Tourism Organization (UNWTO) data and a number of other organizations. There is considered changes in the tourism sector, in particular, it analyzes in detail the shifts in the number of tourists coming to Uzbekistan and other countries, their causes and factors. Despite the worsening geopolitical situation, the flow of foreign tourists is increasing.

Key words: tourism, international tourism, recreational resources, tourist resources, tour operator, rest house, medical institution, sanatorium.

Кириш. Ҳозирги кунда туризмнинг жаҳон ҳўжалигида ҳиссаси йил сайин ошиб, макроиқтисодий тармоқлар қаторида ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида "...туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат. Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак. Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмни ҳам жадал ривожлантириш зарур"¹.

БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти (УНВТО) маълумотларига кўра, 2019 йилда дунё бўйлаб амалга оширилган халқаро туристик саёҳатлар сони 1,5 млрд. ташкил этди. Халқаро туризмнинг ўсиши кетма-кет ўнинчи йил давом этмоқда. Ўтган йилга нисбатан 4% ўсиш ва 2020 йилга режалаштирилган бир хил ўсиш туризм жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва барқарор тармоқларидан бирига айланганини кўрсатади. Халқаро туристик саёҳатлар сони АТОР бўйича 4% га ошди. Франция ҳамон жаҳон туризмнинг етакчиси. Мамлакат 90,2 миллион меҳмонни қабул қилди².

Дунёдаги энг кўп ташриф буюрган мамлакатлар, 90,2 миллион сайёҳлар – Франция; 83,8 миллион сайёҳлар – Испания; 78,7 миллион сайёҳлар – АҚШ; 67,5 миллион сайёҳлар – Хитой; 64,6 миллион сайёҳлар – Италия; 52,5 миллион сайёҳлар – Туркия; 44,9 миллион сайёҳлар – Мексика; 39,4 миллион сайёҳлар - Германия давлатлари³.

2019 нинг энг тез ривожланаётган жойлари ҳам номланди. Етакчи Мьянма бўлиб, унда 2018 йилга нисбатан туристларнинг ўсиши 40,2 фоизни ташкил этди. Мутахассислар 2019 йилда, вазият сайёҳлик оқимининг ўсишига ҳисса қўшган ва тез ривожланаётган сайёҳлик йўналишлари, Мьянма

+40.2%, Эрон +27.9%, Ўзбекистон +27.3%, Черногория 21.4 +%, Миср +21.1% га ўсди⁴.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Туризм қисқа вақт ичида энг тез ривожланаётган ва сердаромад соҳага айланиб улгурди. Шу боис кўплаб мамлакатлар ушбу соҳани янада тараққий эттириш, тегишли инфраструктурани дунё талаблари даражасига кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Буюк Ипак йўлининг марказларидан бирида жойлашган ва тарихий обидаларининг кўплиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринларда турадиган, энг эътиборлиси, халқаро сайёҳлик ташкилотлари томонидан "Очиқ осмон остидаги музей" дея эътироф этилган Ўзбекистонда ҳам бу тармоқни ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти. Мамлакатимизда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Кейинги ярим аср мобайнида Ўзбекистонда туризм ривожланиш даври бўлди, бунда халқаро туризм ниҳоятда жадал ва кенг миқёсда тараққий этаётган хизмат кўрсатиш соҳаларидан бирига айланди. Бутун жаҳон туристик ташкилотининг методологиясига биноан четдан келган ҳар қандай хорижлик фуқаро турист ҳисобланади. Дикқатга сазовор жиҳати шундан иборатки, бугунги таҳликали вазият мавжуд бўлиб, у яхшиланиши тўғрисида ҳеч қандай маълумот мавжуд бўлмаган вақтда туристлар сони жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Энг қизиғи, туристлар сони геосиёсий вазияти ниҳоятда мураккаб бўлган Яқин ва Ўрта Шарқда ҳам, Шимолий Африкада ҳам камаймаяпти. АҚШ, Канада, ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари барқарор тарзда катта миқдорда туристларни қабул қилишни давом этмоқда. Ҳозирда икки томонлама халқаро шартномалар ва тенглик асосида икки томонлама визасиз режим 85 та давлатлар билан ўрнатилган.

Тадқиқот методи. Тадқиқотлар давомида тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш ва таққослама

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. / "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 25 январь.

² The World Tourism Organization 2020

³ The World Tourism Organization 2020

⁴ The World Tourism Organization 2020

таҳлил, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари. Мақола туризмни бундан ярим аср илгариги ҳолати таққосланган тарзда таҳлил қилинди, унинг ривожланиш омиллари ва сабаблари баҳоланди, туризмни республика иқтисодиётига таъсири баҳоланди, туристик соҳани ривожлантириш ва унинг муаммолари, туризмнинг қайси йўналишларини ривожлантириш масалалари ўрганилди. Туризмда аҳоли сони эмас, балки бошқа кўрсаткичлар, шу жумладан даставвал рекреация ресурсларининг хилма-хиллиги ва бойлиги асосий ўрин эгаллайди.

АҚШ рекреация ресурслар билан бир навбатда тарихий, диний бетакрорлик билан ҳам ажралиб туради. Йеллоустон ва Йосемит миллий боғлари, Ниагара шаршараси, Колорадо дарёси водийси ва унда барпо этилган улкан ГЭС ҳамда тўғоннинг, Буюк кўллар ва секвойя (мамонт) дарахти ва унинг атрофидаги сойларда лосось балиқларининг, гризли айиғининг мавжудлиги туристларни ўзига жалб қилади (Большая иллюстрированная энциклопедия “География”. ЗАО компания “Жаҳон”, 2004. С 59.)

Худди шундай фикрни Канада ҳақида ҳам билдириш мумкин. Лекин унда табиий ва иқлимий шароитларнинг мураккаблиги аҳоли сонини ўсиши ҳамда тарқалиши ҳудудини чеклайди, уни фақат жанубий АҚШга қўшни районларида аҳоли жойлашини таъминлайди. АҚШ Канада билан биргаликда Ниагара шаршарасидан туристик мақсадларда фойдаланмоқда. Бунда иккала давлат ҳам 15-20 миллион кишига тенг туристларни стационар томоша қиладиган махсус жойларда ёки кемаларда шаршарадаги сувни Онтарио кўлидан Авлиё Лаврентий дарёсига тушини томоша қилишини таъминламоқда.

АҚШнинг бошқа туристларни жалб қилувчи объектларида ҳам томоша қиладиган хавфсиз жойлар тайёрланиб қўйилган. Йеллоустон ва Йосемит миллий боғларида гризли айиқларини томоша қиладиган майдончалар барпо қилинган. Ана шундай йўл мана бир неча ўн йиллардан бери ўзининг самарасини бермоқда.

АҚШда ундан ташқари туристларни ўзига жалб этувчи тарихий-маданий объектлар ҳам анчагина, шулардан Юта штатидаги “мормонлар” ташкил этган христиан черкови туристларни ўзига жалб этади. Бу ўринда Арканзас ва Жоржия штатла-

ридаги французлардан қолган тарихий ёдгорлик ҳам аҳамиятлидир. АҚШнинг ранг-баранг табиати миллионлаб туристларни ўзига жалб этади. Нью-Йорк, Вашингтон, кўл бўйидаги Чикаго, Детройт, Калифорниядаги осмонўпар бинолар туристларни беихтиёр ўзига тортади.

Худди шунингдек Мексикадаги хиндулар барпо этган ёдгорликлар, Бразилиядаги Амазонка дарёси, Аргентинадаги Парана дарёсидаги шаршаралар, Бразилиянинг Атлантик океани соҳилидаги чўмилиш жойлари ва бошқалар кўплаб туристларни ўзига жалб этади.

Туристлик хизматларни адо этишда Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда аҳоли сони тез суръатларда ўсиши худди, шунингдек, иқтисодиётнинг ҳам паст бўлмаган суръатларда ривожланиши ва бошқа жиҳатлар муҳим роль ўйнайди. Мамлакатлар доирасида туристларни қабул қилиш ҳажми Хитойда анча юқори. 2018 йилда 60,7 миллионга тенг, лекин аҳоли сонига нисбатан оладиган бўлсак, мазкур кўрсаткич анча паст эканлиги аён бўлади (The World Tourism Organization 2020).

Хитойда туристларни ўзига жалб қиладиган объектлардан Буюк Хитой девори алоҳида ўринга эга. Уч минг километрдан зиёд бўлган ана шу объект ханузгача ўзининг аҳамияти ва олдинги ҳолатини сақлаб қолган.

Таиланд ўзининг дам олиш масканлари билан дунёга машҳур бўлиб, уларда ҳар йили бир неча миллион сайёҳлар дам олади (масалан, Пхукет ярим оролида). Малайзия ўзининг тропик ўрмонлари ҳамда пойтахтда қад кўтарган бинолари билан дунёга машҳур (масалан, қалайдан барпо этилган қўш минорали кўп қаватли бино).

Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси Гонконг ва Португалиянинг собиқ мустамлакаси Макао ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикаси таркибига киради, улар ўзларининг тарихий ёдгорликлари ҳамда турли шаклда барпо этилган бинолари билан туристларни ўзига жалб қилади.

Корея Республикаси иқтисодиёти Осиёда жуда юқори суръатларда ривожланган давлат, машҳур концертлари, фирмалари билан туристларни ўзига тортади (“Samsung”, “Hyundai” шулар жумласидандир). Хуллас, Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё ўзига хос давлатлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг туризм соҳасидаги фаоллиги энди-энди ўзини кўрсата бошлади.

Яқин Шарқ ўзининг тарихий-маданий ёдгорликлари, зиёратгоҳ жойлари билан ажралиб турадиган минтақадир. Шуларнинг ичида Макка ва Мадина шаҳарлари ўзининг ахамияти билан алоҳида ўрин эгаллайди. Матбуот маълумотларига биноан, 2019 йилда ҳаж сафарига камида 2,7 миллион зиёратчи борди. Бу қисқа вақт ичида бажо келтириладиган ислом динидаги амалдир. Ундан ташқари умра сафари ҳам бор. Демак, Саудия Арабистонига йилига бораётган зиёратчиларнинг сони 3,5-4 миллион кишини ташкил этади.

Ундан ташқари бу ерга яқин жойларга йилига жуда кўплаб яҳудийлар ва христианлар зиёратга борадилар. Яҳудийлар Иерусалим (ислом дунёсида Қуддус)да жойлашган "Йиғи девори" ёнида ибодат қиладилар, христианлар эса Исо пайғамбар туғилган ибодатхонада сеҳрли оловни туширилишини кутадилар.

Шулардан ташқари минтақада жуда кўплаб зиёратгоҳлар Туркия, Ливан, Миср, Иордания, Эрон, Ироқда мавжуд. Ана шулар ичида Миср эҳромлари, Иорданиядаги ибодатхона ва айниқса шиа мусулмонлар зиёратгоҳлари – Эл-Нажафда пайғамбаримиз Мухаммад пайғамбар саллоллоху алайҳи вассаллам куёвлари Али ибн Толиб қабри ҳамда унинг фарзанди "Имом Хусайн" қабри жойлашган Карбало шаҳри алоҳида ўрин эгаллайди. Ундан ташқари Ироқда "Бобил" ва "Осма боғлар" тарихий ёдгорликлари қолдиқлари аҳамиятлидир.

Европа мамлакатлари "Буюк географик кашфиётлар" даврини кашф қилди, ҳозирги вақтда эса улар жуда катта туристик оқимларини очиб бермоқда. Айнан ана шу қитъадаги мамлакатлар, туристлар сонига биноан етакчилик қилади.

БМТнинг бутун жаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) статистикасига кўра 2018 йилда Европага 713 миллион турист келди. Шу жумладан 2017 йилга нисбатан туристик оқимлар Жанубий Европада 7 фоизга, Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларида 6 фоизга кўпайди. Туристлик оқимлар Буюк Британиядан "Vrexit"и туфайли ўзгармади. Акс ҳолда у кўпаярди. Европа мамлакатлари, айниқса олдиндан туристик мамлакатлар сифатида тан олинган Франция, Испания, Италия, Буюк Британия, Германия давлатлари барқарор тарзда ҳар йили 37 миллиондан (Германия, Буюк Британия) салкам 90 миллионгача (Франция, Италия) туристларни қабул қилмоқда. Мазкур давлатларга жами йилига 300 миллион турист ташриф буюрмоқда. Мана шу 5 мамлакатга дунёда жами

туристларнинг ҳар 5 тасидан 1 таси тўғри келаётганидан далолат беради (21,1 фоизи) (The World Tourism Organization 2020).

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масаласига анча вақтдан бери эътибор бериб келинмоқда. Лекин амалда бу йўналишда катта ишлар қилинмади. Фақат давлат мустақиллиги йилларида бунга астойдил киришилди. Мамлакатда туризмга алоқадор ва зарур бўлган барча меъёрий ҳужжатлар, "Туризм тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Буларнинг барчаси туризмни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат бермоқда.

Тадқиқотнинг илмий моҳияти. Туризмни, шу жумладан, Халқаро туризмни ривожлантириш учун кенг қамровли ишлар амалга оширилганлиги ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Ўзбекистонда туризмни жозибадорлигини эътиборга олган ҳолда бир қатор иқтисодий районларга тақсимланди. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 2019 йилда 6 748 500 сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 5 346 200 ни ташкил этган. 2019 йилдаги сайёҳларни 51,3 фоизи 33-55 бўлган ёшдагилар, 20,2% бўлгани 55 ёшдаги сайёҳлар ва ундан катта ёшдагилар 19,5% бўлган.

Энг кўп сайёҳлар Марказий Осиё минтақасидан келган 5 764 500 сайёҳлардир. МДХ давлатларидан 495 минг 600 нафар сайёҳ келди. Хорижий мамлакатлардан ташриф буюрганлар сони 488 400 кишини ташкил этди. Сайёҳларнинг аксарияти Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси ва Ҳиндистондан келган. Шундан 81,8% Ўзбекистонга ўз яқинлари ва дўстларини зиёрат қилиш, 15,5% эса дам олиш учун келган. Бошқа сабабларга кўра, даволаниш, харид қилиш, бизнес учрашувларида иштирок этиш ва ўқиш мақсадида келганларнинг улуши 2,7% ни ташкил этди. 2019 йил якунларига кўра, сафар хизматлари экспорт ҳажми 1 032 313 АҚШ долларини ташкил этди. 2018 йилда 1 041 089 АҚШ долларини ташкил этган.

Ўзбекистонда туристлар учун турар жой объектларининг умумий сони 1 188 тага, шу жумладан, 833 та меҳмонхона, 214 та ётоқхона ва 141 та бошқа турдаги шу каби объектларни ташкил этди.

Туризм соҳасида ажратилган маблағлардан вилоят бўйича ўзлаштириш даражаси: Қорақалпоғистон Республикаси 62,6%, Андижон вилояти 65,0%, Бухоро вилояти 96,6%, Жиззах вилояти 52,5%, Қашқадарё вилояти 61,0%, Навоий вилояти 74,3%, Наманган вилояти 40,6%, Самарқанд вилояти 82,3%, Сирдарё вилояти 64,4%, Сурхондарё вилояти 68,8%, Тошкент вилояти 76,1%, Фарғона вилояти 42,7%, Хоразм вилояти 81,5%, Тошкент шаҳри 85,7% ташкил этди¹.

Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланишга, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштиришга, миллий туризм маҳсулотларини бунёд этишга яратади.

АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой, Индонезия, Россия ва бошқа давлатлардан ўттизта оммавий ахборот воситаси вакилларида 160 нафарининг ташрифлари республика сайёҳлик салоҳиятини жаҳон ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди. Анъанавий усуллар билан бир қаторда замонавий тарғибот усулларида ҳам фойдаланилмоқда, жумладан, 2019 йилнинг 17 декабридан 21 декабригача Токио (Япония) даги Shibuya майдонида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти намойиш этилган ва видеоролик намойиш этилди. Ўзбекистонга сайёҳларни жалб этиш учун турли ижтимоий-маданий кўнгилочар тадбирларнинг аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда ўтган йилдан бошлаб ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли тадбирлар ташкил этилди.

Ҳаж (зиерат) сайёҳлик форуми (Бухоро вилояти), «Бахши» санъат фестивали, «Археологик форуми» (Сурхондарё вилояти), «Қаҳрамонлар ўйини» (Хоразм вилояти), авторалли «Муйнак», «Element» мусиқа фестивали (Қорақалпоғистон Республикаси), МДҲ сайёҳлик ярмаркаси (Самарқанд вилояти), «Геотуризм форуми», Анор фестивали (Қашқадарё вилояти), электрон мусиқа фестивали, гастрономия фестивали (Тошкент) каби йирик тадбирлар бўлиб ўтди. Меҳмонхона, санаторий, соғломлаштириш мажмуалари ва спорт дам олиш майдонларини қуришга қаратилган уму-

мий қиймати 1,1 миллиард АҚШ долларига тенг 26 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Хорижий туристлар оқимининг кескин ўсиб бориши 10-12 йил илгари Ўзбекистоннинг бой ва хилма-хил рекреацион ресурслари билан боғланган бўлса, кейинги йилларда ушбу ҳолат зиёрат туризмни тараққий этиши билан боғланмоқда. Самарқанд вилоятида бутун дунёда тан олинган йирик ҳадисшунос олим Ал-Бухорий номи билан боғланган кўргазманинг таъмирланиб, қайтадан очилиши, бу ерга бутун дунёдан кўплаб исломшунос олимлар, мутафаккирлар, миллионлаб оддий мусулмонларни ўзига жалб қилмоқда.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида иккинчи йирик ҳадисшунос олим Ат-Термизий мақбарасини таъмирлаб, уни обод қилиниши сабабли, бу муқаддас жой ҳам кўплаб хорижлик туристларни жалб қилмоқда. Тошкент шаҳрида «Ислом цивилизацияси маркази» қуриб бўлингандан кейин, у ҳам кўплаб хорижлик туристларни жалб қилиши кутилмоқда. Ўзбекистонда зиёрат туризми масканлари қаторига Хивадаги Ичан қалъа, Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд ва Ғиждувоний мақбаралари, Жиззах вилоятидаги Муқаддас Дониёр (Жиззах йулида) мақбараси, Тошкент вилоятидаги Зангиота мажмуаси ва кўплаб бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда туристик хизматлар экспорти ўсаётганлиги кузатилмоқда. Унинг ҳажми 2018 йилнинг биринчи кварталда 184,6 миллион АҚШ долларидан 2019 йил биринчи кварталда 246,3 миллион АҚШ долларигача ёки 33 фоизга ўсди. Туристтик ташкилотларнинг сони 111 янги туроператорлар сонига кўпайди. Ҳозирги пайтда туроператорларнинг умумий сони 1130 субъектга етди². Туристтик тармоқнинг тез ва сифатли фаолият кўрсата бориши мамлакат минтақаларини ва уларнинг инфратузилмаларини мажмуали ривожланишини, мамлакатни халқаро майдонидаги обрўсининг ўсишини таъминламоқда.

Ўзбекистонда мавжуд рекреацион ресурсларни қуйидаги районларга булиш мумкин. Ушбу ресурсларга ниҳоятда бой Тошкент райони унинг таркибида жуда куп дам олиш ва даволашни масканлари киради. Мана шундай ҳолатнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари. 2019 й.

² Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари. 2019 й.

шаклланишида Чорвоқ сув омборининг аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистонда рекреацион ресурсларга бой иккинчи район "Фаргона" водийси. Унинг таркибига Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларидаги даволаниш ва дам олиш масканлари мавжуд. Шуларнинг ичида аҳамияти бўйича "Чортоқ", "Чимён" санаторийлари ажралиб туради.

Кейинги ўринларда Зарафшон, Қуйи Амударё ва Жанубий районлар эгаллайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудуди турли хил дам олиш ва даволаниш масканларига эга. Бундай ҳолат дам олишни даволаниш билан бирга амалга ошириш туризм имкониятларини янада оширади.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда ички ва ташқи туризмнинг ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, юқори сайёҳлик салоҳиятига қарамай, мамлакатимиз жаҳон сайёҳлик бозорида жуда паст ўрин тутди. Бугунги кунда Ўзбекистонга келган чет эллик меҳмонлар сони 500 минг бўлиб, бу Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига мос келмайди. Ўзбекистонда сайёҳлик бизнеси устувор йўналиш билан ривожланмоқда ва асосий вазифалардан бири ташқи ва ички туризмни ривожлантиришдир. Туризмни муваффақиятли ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар тегишли равишда ривожланган туризм инфратузилмасидир, бу эса ташқи ва ички туризмни барча туризм соҳасининг энг даромадли таркибий қисмига айлантиради. Минтақанинг туризм инфратузилмаси сайёҳлик саноатининг корхоналари у билан боғлиқ бўлган корхоналар ва муассасалар сайёҳлик маҳсулотини қайта тиклаш учун моддий, ижтимоий-маданий шарт-шароитларни таъминловчи мажмуасидир.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- соҳага инвестициялар жалб этишни кенгайтириш;
- туризмнинг экотуризм, этнотуризм, спорт туризми, гастрономик туризм, астрономик туризм, қишлоқ туризм, рекреацион туризм каби турларини ривожлантириш;
- меҳмонхоналарни қуришда ва хизматларни (бронлаштириш, хона хизматлари) сифатини оширишда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш;

- транспорт хизмати (ижара хизматлари)ни такомиллаштириш;

- умумий овқатланиш хизматлари сифатини ошириш;

- санитария-гигиена масалаларига эътиборни кучайтириш;

- оммавий, маданий-кўнгилочар тадбирлар (фольклор гуруҳларининг чиқишлари ("Алла", "Келин салом", "Миллий ўйинлар"), бахшишоирлар ва ҳунармандлар фестиваллари, миллий спорт ўйинлари)ни ўтказиш;

- автомобилль йўллари сифатини ошириш;

- гидлар, гид-экскурсоводлар (ўзбек тилини, чет тилларини ва тарихни чуқур биладиган, муомала ва кийиниш маданиятига эга бўлган) тайёрлаш масалаларига эътиборни кучайтириш;

- жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда миллий сувенир маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

- республикада мавжуд бўлган барча туристик ташкилотлар, диққатга сазовор жойлар, масканлар ва ҳоказолар ҳақидаги барча маълумотларни жойлаштириб ягона интернет портали ва турли иллюстрацион журналларни яратиш.

Туризм инфратузилмаси элементларининг идоровий ва ҳудудий бўлинишини бартараф этиш, уларнинг мутаносиб ва келишилган ривожланишини таъминлаш ва турли идоралар, тадбиркорлик тузилмалари ва минтақавий маъмуриятларнинг ички ва ташқи туризм оқимлари ва туризм фаолиятдан олинган даромадларни ошириш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатларини жамловчи минтақавий туризм кластерини шакллантиришни тақозо этади. Минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш туризм инфратузилмасини ва минтақанинг салоҳиятига мос келмаслиги билан боғлиқ ривожланиш йўлидаги тўсиқларни аниқлаш, ушбу тўсиқларни бартараф этиш, минтақада туризм инфратузилмасини комплекс ва мувозанатли ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича асосий вазифаларни белгилаш, замонавий шароитда туризм, меҳмонхона ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилишни таъминлайдиган устувор бошқарув таъсирининг соҳаларини аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари.
4. Мировая экономика. Учебник. – М.: “Юрист”, 2018 й.
5. Абдухакимов А. “Tashkent Travel Mart” B2B форматидаги кўргазмани очиш маросимидаги сўзлаган нутқи. 2019 й.
6. Большая иллюстрированная энциклопедия “География”. - ЗАО “Махаен”, 2004.

Интернет сайтлари:

1. <https://www.norma.uz>
2. <https://www.vestifinans.ru>
3. [https:// www.otpusk.uz](https://www.otpusk.uz)